

ЛИСОНИЙ САТҲ ВА УНИНГ ТАВСИФИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Х. Хайруллаев¹*Аннотация:*

Ишда тил ва нутқ бирликларининг шу кунгача белгиланиши ҳамда шу асосда тил ва нутқ сатҳларининг белгиланиши лозимлиги хусусида ўзига хос қарашлар баён этилган. Тилда фонема, морфема ва сўз асосий бирлик сифатида қайд этилган. Нутқда эса гап, мураккаб синтактик қурилмалар, абзац қайд этилган. Шу асосга кўра тил сатҳлари сифатида фонематик, морфематик ва сўз сатҳлари; нутқда эса гап, мураккаб синтактик қурилмалар, абзац сатҳи белгиланиши илгари сурилган.

Калит сўзлар: лингвистик сатҳ, тил, нутқ, тил ва нутқ бирликлари, тил ва нутқ сатҳлари, фонема, морфема ва сўз, фонематик сатҳ, морфематик сатҳ, сўз сатҳи; гап сатҳи, мураккаб синтактик қурилмалар сатҳи, абзац сатҳи.

doi: <https://doi.org/10.2024/teqac412>

Тил сатҳлари бири иккинчиси билан узвий боғлиқ бўлса ҳам, уларнинг ҳар бири ўзича бир хил бирликлар макропарадигмасини жамловчи нисбий автоном механизмларни тақозо этади. Бироқ реал қўлланишига кўра мазкур автоном механизмлар бирликлари ўзидан катта автоном механизмлар таркибига кирмоғи лозим. Бу жараёнда улар иккинчи сатҳ учун қурилиш материали ҳамда унинг интегрантлари вазифасини бажаради. Бошқача айтганда, ҳар бир автоном механизм бирлиги ўзидан катта бирлик сатҳида тил бирликлари интеграциясини ташкил этади. Масалан, фонематик сатҳ бирликлари – фонемалар морфематик сатҳ бирлиги – морфема таркибига кирганда ундан кичик бирликлар интеграциясини ҳосил қилади [4, Б.146-147].

Бу тарздаги тил бирликлари муносабатини нафақат фонематик, морфематик сатҳлар доирасида, балки морфематик ва сўз сатҳлари, сўз ва гап сатҳларининг ўзаро боғланишида ҳам кузатамиз. Бу, ўз навбатида, тил бирликларининг функционал қиймат касб этиши уларнинг ўзаро муносабатига узвий боғлиқ эканлигини кўрсатади. Тил бирликлари уч хил: парадигматик, синтагматик ва иерархик муносабатда бўлади. Бироқ мазкур муносабатларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эгадир. Агар парадигматик муносабат тил бирликларининг ўзлари тегишли бўлган сатҳ доирасидаги муносабатини тақозо қилса, синтагматик муносабат муайян сатҳ бирликларининг иккинчи сатҳ ичида бир-бири билан боғланишини намоён этади. Бунда шу нарса характерлики, фақат муайян бир сатҳга тегишли бирликларгина муносабатга кириша олади. Масалан, фонема фонема билан, морфема морфема билан ёхуд сўз сўз билан синтагматик боғланиши мумкин. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, синтагматик муносабат иерархик муносабатнинг шаклланишига олиб келади. Гап шундаки, фонема фонема билан ёки морфема морфема билан ўз сатҳлари

¹ Хайруллаев Хуршиджон Зайниевич, филология фанлари доктори, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири

доирасида муносабатга кириша олмайди. Бунинг учун уларга ўзларидан катта сатҳни ташкил этувчи қўлланиш объекти лозим бўлади. Бу эса бир пайтнинг ўзида сатҳлараро муносабатнинг, яъни иерархик муносабатнинг шаклланишига ҳам олиб келади. Демак, синтагматик ва иерархик муносабатлар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Тил бирликлари горизонтал қатор бўйлаб ўзаро боғланган тақдирдагина ўзларидан катта бирлик билан поғонали муносабат ташкил эта олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тилнинг ҳар бир сатҳи бирликлари ўзларича алоҳида системани тақозо этади. Уларнинг иерархик муносабат доирасига кириши ва бошқа сатҳ бирликлари билан боғланиши система тушунчасини кенгайтиради ва яхлит тил системаси ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Бундай вазият нафақат тил сатҳлари бирликлари муносабатида, балки нутқ сатҳлари бирликлари боғланишида ҳам кузатилади.

Нутқ сатҳлари ҳақида мулоҳаза юритганимизда шуни ҳам айтиш керакки, тилшунослик адабиётларида мазкур масала эндигина тадқиқотлар кун тартибига қўйилмоқда. Шу боис ҳали нималарни нутқ бирликлари тарзида ўрганиш ва нималарни шу талабга жавоб бера олувчи сатҳлар сифатида эътироф этиш масаласи ҳам узил-кесил ҳал қилингани йўқ. Албатта, бу борада тилшунослик фани тараққиётининг қарийб ҳозирги давригача тил билан нутқнинг фарқланмаганлиги ва бунинг натижасида тил муаммолари мукаммал ўрганилиб, нутқ билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилмаганлиги салбий роль ўйнади.

Бундай вазиятни ўзбек тилшунослигида ҳам кузатамиз. Бу ҳақда Ҳ.Неъматов ва О.Бозоровлар қуйидагиларни мутлақо тўғри таъкидлайдилар: «Ҳозирги ўзбек тилшунослигида ўзаро диалектик боғлиқ бўлган тил ва нутқ ҳодисаларининг фарқи оид айрим фикрлар баён қилинаётган бўлишига қарамай, ҳозирга қадар бу масалага эътибор етарли эмас. Тил билан нутқни фарқлаб ёндашиш ўзбек тили тадқиқотлари учун асос қилиб олинмаганлиги нутқ товуши ва фонема, фонетик ва фонематик ўзгаришлар, лексема, лексик ва ситуатив номинация, қурилма (моделлари) ва уларнинг юзага чиқиши, луғавий бирликларнинг макро- ва микротекстдаги хусусиятлари, ўзбек тили синтактик сатҳида моҳият ва ҳодиса каби масалаларни атрофлича чуқур тадқиқ этишга тўсқинлик қилмоқда» [13, Б.7-8].

Айни пайтда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги даврида тил билан нутқнинг узвий боғлиқлиги тўлиқ эътироф этилгани ҳолда, уларни фарқлаб ўрганиш лозим ва зарурлиги ҳам тан олинмоқда. Бунинг далили тарзида нутқ лингвистикасининг, кечикиб бўлса-да, тилшуносликнинг мустақил йўналиши сифатида илмий асосланаётганини кўрсатиш мумкин.

Равшанки, нутқ лингвистикасининг ўз мақомига эга бўлиши фанимиз тараққиётининг талаблари билан узвий боғлиқдир. Матн лингвистикасининг илмий асосланиши ва у билан боғлиқ масалалар талқинига анъанавий тилшунослигимиз заифлик қилаётганлиги изоҳ талаб қилмайди. Бундан ташқари, гапнинг соф тил бирлиги тарзида ўрганилиб келинаётгани ҳам изоҳталаб эканлиги кўриниб қолди. Бироқ бу билан нутқ лингвистикаси тил лингвистикасига (лингвистика тили ва лингвистика речи) нисбатан устувор аҳамият касб этади, деган хулосага келиш мутлақо нотўғри бўлган бўларди. Нутқ лингвистикаси тил лингвистикаси билан узвий боғлиқ бўлиб, у тил бирликларидан катта бирликлар ва уларнинг сатҳларига оид масалалар талқини билан шуғулланади. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, нутқ лингвистикаси тил лингвистикасининг давомидир. Шу боис, тил ва нутқ бирликлари ва улар тегишли бўлган сатҳлар ўртасидаги поғонали муносабат бири иккинчиси билан боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатади. Буни матнни сегментлаш

жараёнида ҳам, ёхуд индуктив метод асосида матн шаклланишининг синтезига эътибор берганимизда ҳам бемалол кузатиш мумкин. Демак, тил ва нутқ бирликларини ва сатҳларини фарқлаб ўрганиш тил билан нутқ ўртасидаги узвий боғлиқликни инкор этмайди ва бу мумкин ҳам эмас. Бу ҳақда айтилган В.Б.Касевичнинг қуйидаги мулоҳазаси ибратлидир: «Тилнинг (тил системасининг) сатҳлари билан нутқий фаолият сатҳларини фарқлаб ўрганмоқ даркор. Агар тил сатҳлари бир-бирлари билан поғонали муносабатга асосланган тартибдаги ўзига хос системани тақозо этса, нутқий фаолият сатҳи – бу жумла шаклланиши жараёнида муайян тил сатҳининг фаоллик кўрсатиши «такт»и ёки тил механизми қўлланишининг алоҳида босқичини ташкил этади» [7, Б.21].

Бироқ В.Б.Касевич гап ва у орқали ифодаланувчи сатҳ ҳам тилга тегишли эканлигини таъкидлайди: «Яхлит ҳолдаги хабар фрагментини тил бирлиги – гапдан кичик бошқа бирликлар билан ифодалаб бўлмайди» [7, Б.21]. Бизнингча, гапнинг хабар ифодасини бериши унинг тил бирлиги мақомида келишини талаб қилмайди, хабар ифодаси нутқда шаклланади ва унда тил бирликларининг когнитив-коммуникатив вазибалари кесишади. В.Б.Касевичнинг ўзи ҳам эслатиб ўтилган фикрининг узил-кесил хулоса тарзида айтилмаганлигига ишора қилади ва шундай дейди: «Тил ва нутқ фаолиятининг сатҳлари сони ва уларнинг сифати масаласи ҳали қатъий ҳал этилишдан йироқдир» [7, Б.24].

Дарҳақиқат, нутқ сатҳлари масаласи тилшунослигимизда ҳамон изоҳталаб бўлиб қолмоқда. Лекин тил сатҳлари бобида бундай дея олмаймиз. Чунки тилда қанча бирлик бўлса, унинг сатҳлари сони ҳам шунча бўлмоғи лозим. Нутқ сатҳлари ҳақида эса ҳали бирор қатъий фикр айтилгани йўқ. Чунки нутқ бирликлари масаласи ҳамон мунозарали бўлиб қолмоқда. Шу боис тил ва нутқ сатҳларининг ўрганилиши масалаларини бир-бири билан қиёслаш қийин.

Тилда фонема, морфема ва сўз каби бирликлар асосида фонематик, морфематик ва сўз сатҳлари шаклланиши ҳақида айтиб ўтган эдик. Мазкур сатҳлар ичида сўз сатҳи ўз нуфузига кўра ажралиб туради. Унинг бирликлари воситасида воқеланувчи гап сатҳи эса тилга эмас, балки нутққа тегишлидир. Бироқ В.М.Солнцев бунда фразеологик иборалар ва идиомаларни ҳисобдан ташқари деб билади [18, Б.18]. Бизнингча, фразеологик иборалар ва идиомалар масаласи изоҳталабдир. Тўғри, идиомаларни ва фраземаларнинг аксариятини нутқ бирлиги деб бўлмайди, улар тилимиз системасида тайёр ҳолда мавжуд бўлгани учун тил бирлигидир. Лекин гап қолипидидаги фраземалар синтактик қурилмани гап сатҳига (ярусига) тегишли эмас, десак хатога йўл қўйган бўлмасмиканмиз. Албатта, бу ўринда ҳам фразема компонентлари кўчма маънода қўлланилмоқда. Бироқ бу масаланинг семантик жиҳати билан боғлиқ. Синтактик нуқтаи назардан эса мазкур фразема гап сатҳининг барча талабларига жавоб бера олади. Бу ҳақда айтилган М.Миртожиевнинг қуйидаги фикри ҳақиқатга яқиндир: «Фразеологизм бирикма ёки гап қолипли бўлганлиги ва у бир луғавий бутунликка айланганлигига қарамай, ўз синтактик хусусиятларини сақлаб қолади. ...Фразеологизм ҳам луғавий бирлик ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уни сўзга тенг қўйиб, гап таркибида бирор бўлак вазифасида келади деб, шу фикр илгари сурилади. Бунда бирикма қолипли ва гап қолипли фразеологизмлар ҳам назарда тутилади. Бироқ шу ўринда шуни унутмаслик керакки, фразеологизм фақат семантик ҳодисадир. Шу ваздан ҳам у нутқ таркибида семантик қайта бўлинишни юзага келтирса ҳам, синтактик қайта бўлинишни юзага келтирмайди» [12, Б.187].

Дарҳақиқат, фразеологик ибораларнинг бир тури турғун ҳолдаги сўз бирикмаси саналиши мутлақо семантик нуқтаи назардан аҳамият касб этади. Аммо уларнинг

синтактик салмоғида бунинг тескарисини кўрамиз. Фикримиз далилини фразеологик иборалар компонентларининг синтактик муносабатида бемалол кузатиш мумкин. Бу ўринда Ш.Раҳматуллаевнинг қуйидаги мулоҳазасини келтириш мақсадга мувофиқдир: «Ибора таркибини синтактик таҳлил қилиш нутқ бирлигининг таркибини эмас, балки тил бирлигининг таркибини таҳлил қилиш бўлади. Умуман, ибора таркибида қатнашган сўзлар орасидаги синтактик боғланиш ўз кучини сақлайди, ўлмайди, фақат ички бўлади» [16, Б.10].

Шундай қилиб, гапнинг лингвистик мақомини нутқдан айри ҳолда тасаввур этиш қийин эканлигини кўрамиз. Сўз бирикмасини эса, гарчи нутқда шаклланса ҳам, бу билан тенглаштириб бўлмайди. Биринчидан, у мудом ҳосила структурани тақозо этади. Иккинчидан, сўз бирикмаси компонентлари гап таркибида гапнинг ҳам компонентлари саналади. Бундай вазият сўз бирикмасини нутқ бирлиги деб ва шу билан бирга, уни нутқнинг алоҳида сатҳи сифатида ўрганиш учун муаммолар туғдириши шубҳасиздир.

Нутқнинг иккинчи бирлиги мураккаб синтактик қурилмадир. У бир неча гапни ўз таркибига бирлаштира олади ва улар билан поғонали муносабат ташкил этади. Бироқ мураккаб синтактик қурилма (шу жумладан, анъанавий қўшма гап ҳам) масаласи тадқиқи тилшунослигимизда кўп жиҳатдан ҳали изоҳталабдир. Нафақат мураккаб синтактик қурилма термини, балки қўшма гап термини билан аталувчи синтактик қурилма тушунчаси ҳам тилшуносларимиз томонидан турлича изоҳланмоқда. Баъзи тилшунослар қўшма гап тушунчасидан бутунлай воз кечиш лозимлигини таъкидлаган эдилар (Овсяннико-Куликовский, Сакулина, Карцевский ва бошқалар). Улар учун фақат (содда) гап тушунчаси мавжуд бўлган. Бироқ И.Ф.Вардулнинг фикрича, мураккаб тузилишли қурилмаларнинг барчасини ҳам содда гап тарзида талқин этиб бўлмайди. Бундан ташқари, И.Ф.Вардул назарида анъанага кўра боғланган қўшма гап деб аталиб келинаётган синтактик қурилмалар умуман гап мақомига эга бўла олмайди, эргаш гапли қўшма гаплар бундай мақомга эгадир. Лекин боғланган қўшма гап бўлмагач, эргаш гапли деб аталувчи қўшма гап тушунчасига ҳам эҳтиёж қолмайди.

Мазкур муаммо бобида бошқача фикр ва мулоҳазалар ҳам мавжуд. Улар тўғрисида мазкур ишимизда тўлиқ маълумот беришнинг имкони йўқ.

Нутқнинг мураккаб синтактик қурилмадан катта бирлиги абзацдир. Унинг мазкур мақоми биринчи навбатда интегратив хусусияти билан боғлиқ, бунда мустақил гаплар, парцеллятив ва иловали қурилмалар, мураккаб синтактик қурилма кабилар қўлланади. Абзацнинг нутқ бирлиги эканлигини Л.Г.Фридман ҳам қайд этади ва қуйидагиларни ёзади: «Коммуникатив режага кўра гап асосий синтактик бирлик саналади. Бундан катта сатҳлар бирликлари мураккаб синтактик қурилма ва абзацдир. Агар гап ўзининг барча аспектлари бўйича мукамал ўрганилган бўлса, мураккаб синтактик қурилма ва абзац ҳали мутлақо ўрганилгани йўқ» [21, Б.155-156].

Л.Г.Фридманнинг мазкур мулоҳазаси ўринли, албатта. Лекин у абзац компонентлари жумласига фақат мустақил гапларни киритади, мураккаб синтактик қурилма ва бошқа синтактик структуралар эса назардан четда қолади. Ваҳоланки, унинг юқорида келтирилган фикрида мураккаб синтактик қурилма нутқ бирлиги сифатида алоҳида таъкидланганини кўрамиз. Мураккаб синтактик қурилма нутқ бирлиги саналар экан, у нутқнинг гапдан кейинги алоҳида сатҳини ҳам ташкил этади ва абзац таркибида қўлланилгач, у билан поғонали муносабатга киришади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, абзац нутқнинг энг юқори даражадаги сатҳини тақозо этади ва ўз таркибига мустақил гаплар ҳамда мураккаб синтактик қурилмаларни киритгани боис, интегратив хусусият касб этади. Бу жуда муҳимдир,

нутқ бирликларининг поғонали муносабати абзацнинг мазкур хусусияти билан узвий боғлиқдир. Бундан ташқари, абзацнинг тугал хабар ифодасини бериши ҳам унинг ана шу интегратив хусусияти билан ўлчанади.

Тилшунослик фани тараққиётининг бугунги даврига қадар тил сатҳларининг ҳар бири мукаммал ўрганилди ва бу соҳада жаҳон тилшунослигида, шу жумладан, ўзбек тилшунослигида ҳам фундаментал тадқиқот ишлари вужудга келди. Бироқ бошқа фанлар билан бир қаторда тилшунослик ҳам ҳар доим тараққиётда эканлиги изоҳ талаб қилмайди. Бу эса, ўз навбатида, эришилган ютуқлар билан чегараланиб қолмасликни тақозо этади. Бундай бўлиши табиийдир, албатта. Чунки фан тараққиёти амалда мукаммал деб ҳисобланиб келинаётган тадқиқотларимизни қайта кўриб чиқишни, уларни янги маълумотлар билан тўлдиришни талаб қилади. Ана шу нуқтаи назардан ёндашилганда, тил сатҳлари ва уларнинг ўзига хос лингвистик табиати масаласининг талқинига ҳам фанимизнинг сўнгги ютуқларидан фойдаланилган ҳолда ёндашишга тўғри келади.

Албатта, тил сатҳларининг ҳар бири ўзича нисбий мустақил эканлиги, шунинг учун ҳам улар алоҳида текширув объектлари саналиши тилшуносларимиз томонидан тўлиқ тан олинган ва бу борада бирор жиддий муаммо кузатилмайди. Лекин шу билан бирга, муайян сатҳнинг лингвистик табиати талқинини бермоқ учун бошқа сатҳларга ҳам мурожаат этиш лозимлиги, бизнингча, шу соҳада тадқиқот олиб бораётган тилшуносларгагина ҳаммадан кўпроқ аёндыр. Сир эмас, ўрта таълимда ҳам, олий таълимда ҳам тилнинг фонетик сатҳи нутқ товушлари мажмуаси билан характерланиши ва бундай товушлар фонетикада ўрганилиши, морфологик сатҳ эса сўз шакллари мажмуаси билан белгиланиши ва мазкур масала морфологияда ўрганилиши ҳақида маълумот берилади. Бироқ бу ўринда Фердинанд де Соссюрнинг ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган қуйидаги фикрларига ҳам мурожаат этилганида мақсадга мувофиқроқ бўларди: «Морфология тил формаларини, фонетика эса тилдаги товушларни ўрганиши ҳақида сўз юритадилар. Бундай мулоҳаза нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий нуқтаи назардан ҳам қониқарли эмас, зотан, биз аксарият ҳолларда морфологик ва фонетик масалаларнинг қайси бири билан шуғулланаётганимизни аниқлашга ҳам қийналиб қоламиз.

Кўринадики, Ф.де Соссюрнинг мазкур мулоҳазалари анъанага айланиб қолган фонетика нутқ товушларини, морфология эса сўз формаларини ўрганувчи соҳалар эканлиги ҳақидаги хулосаларимизни қайта кўриб чиқишга ундайди. Олимнинг қуйидаги фикри эса бунинг янада ёрқинроқ далили бўла олади: «Морфология – бу муайян маъно англатувчи қисмларни акс эттирувчи товуш бирликларини ва мазкур бирликларнинг ўзаро боғланишини ўрганувчи фандир. Фонетика эса ўз физиологик ва акустик белгиларига кўра ажралиб турувчи товуш бирликларини ўрганади» [19, Б.70]. Энг характерли жиҳати шундаки, Соссюр фонетик бирликларни сўз шакли сатҳида ўрганиш лозимлигини алоҳида таъкидлайди.

Бундай мулоҳазага яқин фикрни В.фон Хумбольдтда ҳам кузатамиз [5, Б.10-117]. Олим тил товушлари тавсифини беришда ёки ўрганишда сўз шаклига мурожаат этиш лозимлигига алоҳида урғу беради. Бунинг асосий боиси сўзнинг товуш ҳамда тушунча бирлигидан иборат эканлигидир, албатта. Гумбольдтда шу нарса эътиборга молиқки, у тил тараққиётининг дастлабки давларида товушлар орқали ўзак ҳолатидаги бирликларгина шаклланиши мумкин бўлганлигини эслатиб ўтади ва бунга қадимги санскритда аффикслар иштирокисиз ўзаклар қўлланганлигини далил қилиб кўрсатади [5, Б.90-91].

Юқоридагилардан ташқари, тил бирликларининг синтактик муносабати фақат синтактик сатҳ учун эмас, балки морфологик сатҳ учун ҳам характерлидир. Фикримиз далилини сўз сатҳида мавжуд бўлган тил бирликларининг синтактик алоқасида кўришимиз мумкин.

Иқтибослар:

- [1]. Бенвенист Э. *Общая лингвистика*. –М.: Прогресс, 1974, 447 с.
- [2]. Вардуй И.Ф. *Основы описательной лингвистики (синтаксис и супрасинтаксис)*. –М.: Наука, 1977, 351с.
- [3]. Глисон Г. *Введение в дескриптивную лингвистику*. –М.: Изд. иностр. Литературы, 1959, 485 с.
- [4]. Головин Б.Н. *Язык // Общее языкознание*. –М., 1979, (7-292), 415 с.
- [5]. Гумбольдт В.фон. *Избранные труды по языкознанию*. –М., Прогресс, 1984, 397 с.
- [6]. Jamolxopov H. *Hozirgi o'zbek adabiy tili*. –Toshkent: Talqin, 2005, 271 b.
- [7]. Касевич В.Б. *Элементы общей лингвистики*. –М.: Наука, 1977, 182 с.
- [8]. Клобуков Е.В. *Роль универсально-логического концепта «актант» в языковой категоризации действительности // Проблемы когнитивного и функционального описания русского и болгарского языков. Сборник ст.–Шумен, 2002 (интернет материалы)*.
- [9]. Летаева Л.А. *Основные направления лингвистических исследований на рубеже XX-XXI столетий (краткий обзор) // Languages, literatures, вып.21.–Тюмен: Гос. университет, 2008 (интер., 2008, Webmaster)*.
- [10]. Мартине А. *Основы общей лингвистики // Новое в лингвистике, вып.3, –М.: Изд. иностр. литературы, 1963, (347-566), 566 с.*
- [11]. Матезиус В. *О так называемом актуальном членении предложения // Пражский лингвистический кружок. –М.: Прогресс, 1967, (239-245), 559 с.*
- [12]. Миртожиев М.М. *Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент: Университет, 2004, 222 б.*
- [13]. Неъматов Х., Бозоров О. *Тил ва нутқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993, 30 б. (Nematov H., Bozorov O. Til va nutq. – Toshkent: O'qituvchi, 1993, 30 b.)*
- [14]. Новак Л. *Проект нового определения фонемы//Пражский лингвистический кружок. –М.:Прогресс, 1967, (95-99), 559 с.*
- [15]. Нурмонов А. *Лингвистик таълимотнинг янги босқичи// Ўзбек тили ва адабиёти, 2008, №6, 50-54-бетлар.*
- [16]. Раҳматуллаев Ш. *Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978, 405 б.*
- [17]. Скаличка В. *О фонологии языков Центральной Европы// Пражский лингвистический кружок. –М.: Прогресс, 1967, (84-87), 559 с.*
- [18]. Солнцев В.М. *О понятии уровня языковой системы // Вопросы языкознания, 1972, №3. с. 3-19.*
- [19]. Соссюр Ф.де. *Заметки по общей лингвистике. –М.: Прогресс, 1990, 275 с.*
- [20]. Трубецкой Н. *Основы фонологии. –М.: Изд. иностр. литературы, 1960, 372 с.*
- [21]. Фридман Л.Г. *К исследованию абзаца как синтаксической единицы (на матер. немецкого языка) // Уровни языка и их взаимодействие. –М.: Изд. МГПИИЯ, 1967, (155-156), 182 с.*

[22]. *Хайруллаев Х. Об особенностях изучения объекта речевой лингвистики. Иностранная филология: язык, литература, образование. 2019. (2 (71), 17-20. https://inlibrary.uz/index.php/foreign_philology/article/view/921*